

Анас розияллоҳу анҳудан



06:00 / 20.08.2018 3806

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этгунларича хонтахтада овқатланмадилар. У зот вафот этгунларича юшоқ нон ҳам емадилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Фойда: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунё аҳллари қиладиган ишлардан юз ўгириб зоҳидликнинг энг чиройли намунасини кўрсатдилар. Бу ишлари билан камбағал ва мискинларни ўқситмаслик эди. Лекин бундай қилиш одамларга вожиб эмас.

Имом Бухорийнинг бошқа ривоятларида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуни иссиқ сув билан олиниб, териси билан бутунича пиширилган қўйни кўзлари билан кўрмадилар», дейилган.

Фойда: Бу каби кичик қўйни жунини юлиб уни бутунича пишириш исроф қилиб ҳаддан ошувчиларни амалидир.